



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

7 август 1970 йил, жума

№ 183 (14.649). Баҳоси 2-тайин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Кишлоқ хўжалигида техникадан фойдаланишни яхшилаш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда таъкидлаб ўтилганча, кўп қолхоз ва совхозларда ҳамда бошқа кишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларида талайгина миқдорда юқори унумли ишлайдиган янги машиналар олинишига қарамай, трактор, автомобиль, комбайн ва бошқа кишлоқ хўжалик машиналарининг смендаги ва ҳар кунилик иш унуми суст ортиб бормоқда. Чорвачилик фермаларининг машина ускуналаридан қоникқисиз фойдаланилмоқда. Хет асос бўлмагани холда кишлоқ хўжалик техникаси ҳисобдан чиқариб юборилмоқда. СССР Кишлоқ хўжалик министиллиги, «Союзсельхозтехника» ва иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советлари трактор, автомобиль, комбайнлардан ва бошқа кишлоқ хўжалик машиналаридан тўғри фойдаланиш масалаларига тегишлича эътибор бермаётди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифокдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига ва Министрлар Советларига, тегишли министрликлар ва идораларга, шунингдек ўлка ва область партия комитетларига, автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка ва область иқтисодиёт комитетларига қолхоз, совхозларда ҳамда бошқа кишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларида тракторлар, автомобиллар, кишлоқ хўжалик машиналари ва чорвачилик фермаларининг ускуналаридан аниқ яхшироқ фойдаланиш чораларини кўриши, кишлоқ хўжалик техникасини сақлаш усуддан ва хўжаликларда бу техникани брак қилиш ва ҳисобдан чиқаришни тўғрисида устидан контролни қўйиштириш, трактор ва машиналардан яхши фойдаланмаслик, уларни расолаб қўймаслик ва муддатидан илгари ҳисобдан чиқаришда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортишни тошпириди.

Иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Кишлоқ хўжалик министиллиги ва «Союзсельхозтехника» келуси беш йилликда машина-трактор паркиннинг техникасида фойдаланиш даражасини ошириш, меҳнатни ташкил этиш, нормалаш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг яхши формаларини ҳамма жойда жорий қилиш, деҳқончилик ва чорвачиликда типолог операция технологияларини ва механизациялаштирилган ишларни бажариш ҳамда прогрессив технология процесслари қондаларини таъбиқ этиш, тракторчилар, шоферлар, комбайнчилар ва бошқа хўжаликнинг малакасини ошириш ҳамда уларнинг меҳнат қилиши учун ҳавф-хатарсиз шароитни ва маданий-маиший шароитларни яхшироқ келтириш тadbирларини ишлаб чиқишлари ҳамда амалга оширишлари лозим.

Кишлоқ хўжалик техникаси ремонтини ташкил этишда ишлатилган йўл тўғри деб топилади. Ана шу йўлга мувофиқ тракторлар, комбайнлар, уеллар ва агрегатлар олдига «Союзсельхозтехника» системасидаги иттифокдош республикаларнинг корхоналарида капитал ремонтдан чиқарилмоқда, ремонт ва машиналарга техникавий хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари эса, хўжаликларнинг марказий ремонт устаконаларида ва техникавий хизмат пунктларида бажарилмоқда. Трактор, автомобиль, комбайнлар ва бошқа кишлоқ хўжалик машиналари ҳамда чорвачилик фермалари ускуналари ремонтини ва уларга техникавий хизматни ташкил этишни тартибга солиш учун ремонт корхоналарининг хилма-хил турлари белгиланади, чунончи:

- Соххоз, қолхозлар ва бошқа кишлоқ хўжалик корхоналарининг марказий ремонт устаконалари — тракторларни, тупроқ қазич ва мелiorация техникасини, кишлоқ хўжалик машиналарини ва чорвачилик фермаларининг ускуналарини ремонт қилиш ҳамда уларга техникавий хизмат кўрсатиш ва автомобилларнинг жорий ремонтини учун;

- қолхоз бригадаларида, совхозларнинг бўлимларида ва бошқа кишлоқ хўжалик корхоналарида техникавий хизмат пунктлари — трактор, комбайнларга, кишлоқ хўжалик машиналарига ҳамда чорвачилик фермаларининг ускуналарига техникавий хизмат кўрсатиш учун, шунингдек мураккаб бўлмаган кишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш;

- қолхоз ва совхозларнинг марказий усадьбаларида профилактиклар бўлган гаражлар — автомобилларни сақлаш ва уларга техникавий хизмат кўрсатиш учун;

- «Союзсельхозтехника» системасидаги иттифокдош республикаларнинг ремонт устаконалари ва заводлари — тракторларни, автомобиллар, комбайнларни, уларнинг уеллари ва агрегатларини, металл қирқувчи станокларни, генераторларни, электр двигателларни, чорвачилик фермаларининг ускуналарини капитал ремонтдан чиқариш учун, шунингдек тўзиб қолган деталларни марказлаштирилган тартибда тиклаш ва ремонт-технологик ускуналарни тайёрлаш соҳасидаги ишларни бажариш учун;

«Союзсельхозтехника» ҳамма фойдаланидиган устаконалари — қолхоз, совхозларнинг ва бошқа кишлоқ хўжалик корхоналарининг машина ҳамда ускуналарини ремонт қилиш ва уларга техника хизмати кўрсатишга доир ҳамма заказларни бажариш учун;

«Союзсельхозтехника» системасининг авто мобилларга техникавий хизмат станциялари — автомобилларга техникавий хизмат кўрсатиш учун;

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министиллиги ҳамда «Союзсельхозтехника» системасидаги иттифокдош республикаларнинг корхоналари — тупроқ қазич машиналари, мелиорация ва қурилишкўл машиналарини, уларнинг уеллари ҳамда агрегатларини ремонт қилиш учун.

СССР Госпланига ҳамда Станоксозлик ва инструментал саноати министиллигига 1971—1975 йилларда металл ишлов берувчи, темирчилик пресс ускуналари ва асбобларини ремонт корхоналарини ташкил этиш ишлаб чиқариш ва уларни кишлоқ хўжалигига етказиб беришни кўриштириш чораларини кўриш тошпирилади. Иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советлари 1971—1975 йил планларида кишлоқ хўжалигининг ремонт базасини ривожлантириш учун капитал маблағ ва моддий-техника ресурсларини ажратиб беришни кўзда тутадилар. «Союзсельхозтехника» қолхоз, совхозларнинг, бошқа кишлоқ хўжалик корхоналари ва ўрмончилик хўжаликларининг устаконалари, техника хизмати пунктлари ва гаражлари учун ремонт-технологик ускуналари ишлаб чиқаришни уюштириш керак.

СССР Кишлоқ хўжалик министиллигига, «Союзсельхозтехника», СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министиллигига, асбобсозлик, автоматлаштириш воситалари ҳамда бошқарув системалари министиллигига машиналарнинг техника диагностикаси ва прогнози приборлари ҳамда воситалари системасини ишлаб чиқиш, 1971 йилда тракторлар, автомобиллар, комбайнлар, кишлоқ хўжалик машиналари ва чорвачилик фермалари ускуналарининг техникавий ҳолатини билиш ва техникавий диагностикасини уюштириш тартибини тасдиқлаш тошпирилади. Трактор ва кишлоқ хўжалик машиналарининг министиллигига янги машиналар конструкциясини тўзиш ва уларни ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйишда мазкур техникавий техникавий диагностика қилиш ва унинг техникавий аҳолини олдидан билиб қўйишни кўзда тутиш тошпирилади. Асбобсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министиллигига янги приборларни ва техникавий диагностикасини бошқа воситаларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини тўзиб чиқишни ва уларни қўйиб ишлаб чиқаришни уюштиришни ташкил этиш ҳамда тракторлар, комбайнлар ва бошқа кишлоқ хўжалик машиналарининг техникавий аҳолини олдидан билиб қўйиш тартибини ташкил этиш тошпирилади.

Кишлоқ хўжалик министиллигига, «Союзсельхозтехника» ҳамда Трактор ва кишлоқ хўжалик машинасозлик министиллигига физик ҳисобдаги тракторларни шартли эътибор қилиб тракторларга айлантиришнинг янги ҳисобидиқлавлари системасини ишлаб чиқиш тошпирилади. СССР Госпланига 1971—1975 йилларда машина-трактор паркиннинг техника хизмати, запоракси ҳамда диагностикаси воситаларини кишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун муайян миқдорда ишлаб чиқишнинг кўзда тутиш тошпирилади.

Радио саноати министиллигига кишлоқ хўжалигининг эҳтиёжлари учун алоқа воситалари ишлаб чиқариш ва уларни етказиб бериш чораларини ишлаб чиқиш лозим, СССР Кишлоқ хўжалик министиллигига, «Союзсельхозтехника» ва СССР Алоқа министиллигига эса кишлоқ хўжалигига диспетчерлик хизматини яхшироқ келтириш, алоқа воситаларини ремонт қилиш ва техника хизматини уюштириш тошпирилади.

Иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советлари ва СССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълим давлат комитети «СССР Кишлоқ хўжалик министиллиги ва «Союзсельхозтехника» билан биргаликда кишлоқлардаги ҳунар-техника билим юрталарида трактор бригадалари бошлиқлари ва уларнинг ёрдамчиларини I ва II класс тракторчи машинистлар орасидан кишлоқ хўжалик техникасининг техникавий диагностикасини бўйича усталар тайёрлашни ташкил қилиш лозим. Ана шу ўқувчиларга белгиланган тартибга мувофиқ стипендиялар тўланади, иш қийинлари ва ҳоказеблар берилади, ишлаб турган жойида олган ўртача ойлик иш ҳақи тўлаб турилади.

Иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советларига бригада бошлиқлари, уларнинг ёрдамчилари ва ҳисобчи-запоракчиларнинг малакасини системали суратда оширишни ташкил этиш тошпирилади. Малакани ошириш учун совхозлардан юборилган тингловчиларга уларнинг ишлаб турган жойида оладиган ўртача ойлик иш ҳақи тўлаб турилади ва ўқиб жойига бориш ҳамда у ердан қайтиб келиш, йўл харакатлари тўланади.

Қолхозларга малакани ошириш учун қолхозлардан юборилган кишлоқ хўжалик моддий жиҳатдан таъминланган шу хилдаги шартларини белгилаб чиқиш тавсия этилади.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИНГ ҚУДРАТЛИ КУЧИ

СССР халқлари ўзининг жанговар коммунистик авангарди теварагида наҳам жипслаган ягона интернационал оила бўлиб КПСС XXIV съезди сари бориқдалар. Партия ва мамлакат ҳаётидаги жуда муҳим воқеага тайёргарлик уларнинг ватанпарварлик завоқлигини, ялли меҳнат шижоатини жўш удриб юборди. Улуғ Ватанимиздаги ҳамма миллатларнинг меҳнаткашлари партиянинг бўлажак съездини янгидан-янги шонли ишлар билан нишонлашга — саккизинчи беш йиллигини муддатидан олдин тугалашга, ҳар бир республика ва бутун Совет Иттифоқининг иттифодий ва маданий ривожини янгида юксалтиришни ташкил қилишга аҳд-паймон қилганлар.

Беш йиллик тошпириларини бажариш учун бошланган кураш совет халқларини тағин ҳам яқинлаштирди, интиқлаштирди. Уларнинг биргаликда қилётган иқтисодий меҳнати салмоқли самаралар бериб кўп миллатли социалистик давлатимиз бойлиги ва нудратини оширмоқда. Ҳамма иттифокдош республикалар ўз ишлаб чиқарувчи кучларини, аввало социалистик индустриянинг муваффақиятли ривожлантириш-гагинини 1970 йил дастлабки олти ойининг яқунлари кўрсатди. Қардош халқларнинг самарали ҳамкорлиги коммунистик кури-лишининг ҳамма соҳаларида ривожланиб, имкониятларимиз ва резервларимиздан самаралар фойдаланишга мўлжаллашмоқда. Бу ҳамкорлик совет маиятини иқтисодий кучларини ҳал қилувчи соҳаларга жамлашга, илгор тақрир-бани, ҳар бир республиканинг фани, техника

КОМСОМОЛ АХБОРОТИ

ТЕЖАМКОРЛИК ЖОНКУЯРЛАРИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида тежамкорликни қатъий риоя қилиш ҳақида»ги Хати ва ВЛКСМ XVI съезди қарорига жавобан Чиллов номи Тошкент авиация заводи комсомол комитети материал ва маблағлардан оқилона ва расмади билан фойдаланиш ва тежамкорлик учун курашда завод маъмуриятига яқиндан ёрдам бермоқда. Шунинг билан 30 минг сўм тежам қилинди. Шу кеча-кундузда КПСС XXIV съездини муносиб меҳнат соғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборган корхона ёшлари тежамкорлик учун курашнинг олдинги сафида бормоқдалар.

ИЛГОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Республикамиздаги кўпгина саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари беш йилликнинг ҳал қилувчи — сўнгги йили топириқларини мuddатидан илгари — шу йил 7 ноябрда бажаришга аҳд қилганлар. Бу ишда коммунист ва комсомоллар алоҳида ибрат кўрсатиб меҳнат қилаётдилар.

Масалан, Учкўрғон ён-экстратракция заводи комсомол ёшлар бригадасининг аъзоси М. Куралов беш йиллик топириқини шу йилнинг июни ойидан бажариб бўлди. Тенгқуларига шахсий намуна кўрсатган ёш ишчи давлатнинг 3 минг сўм пулини тежам қилди. Эндиликда у илгори йил ҳисобига меҳнат қилаётди.

Ҳозир 10 мингдан ортиқ ёш ишчи ва колхозчи 1971 йил ҳисобига, 1500 дан ортиқроқ ёш ишчи ва колхозчи эса 1972 йил ҳисобига ишлаётди. Уларнинг сафи мундан-қунига кенгайиб бормоқда.

МАШИНАСОЗЛАР ҲИММАТИ

Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг комсомол ёшлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларидан руҳланиб, шу йилнинг 7 ноябрга қадар иш вақтидан ташқари пайтларда ишлаб, қўшимча 100 та пахта териш машинасини тайёрлашга қарор қилдилар.

Деҳқоннинг шаҳардаги мададири эканликларини яхши англаган завод комсомолларининг бу ибратли ишчи маътоғга арзигулки.

АНОРХОННИНГ АҲДИ

Еш механизатор Анорхон Эргашева комсомолнинг уштан аниқлиги — ВЛКСМ XVI съездида катта режалар билан қайтди. У колхоз комсомолларининг йилида бўлиб ўтган йилги ишда бу йил ўзи бошчилиги қилаётган бригада далаларида 50 центнердан ҳосил етиштириб, «ангори кема» билан 300 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олди. Наманган области Поп районидagi Ленин номи колхозининг моҳир механизатори Анорхон Эргашеванинг издошлари сафи тобора ўсмоқда.

КАСБ ЎРГАНИБ ҚАНТИШАДИ

Маълумки, яқинда Андижон области Андижон район комсомол ёшлари ўрта мактабни тамомлаб, юносанон колхоз ва совхозларида қилиб ишлаш ташаббуси билан чиққан эдилар. Уларнинг бу қарори ишдан урқан олган Қорақалпоғистон АССР Беруний рай. ондаги Қўббаси номи мактабнинг битирувчилари ҳам ялписи, га 20. ҳунар-техника мактабига бориб ўқишга аҳд қилдилар. Ҳа-демай улар уларнинг қадрдон қишлоқларига турли касб-ҳунарларини ўрганиб қайтишди.

ЮКЛАР МАҲТАЛ БЎЛМАЙДИ

Сирдарё районидagi 52-автомобилнинг шофёри комсомол аъзоси Т. Яўлдошев юк ташини ойлани план топириқларини 200-210 процент қилиб бажаришга комсомол йилгилишда сўз берган эди. Шу кунларда ўз насабига моҳир шўфёр Т. Яўлдошев эми-масига олган юксак мажбуриятларини гўла-тўки бажариш учун, юклар маҳтал бўлмасин деб комсомолга ҳос ғайрат ва шижоат билан фидонона меҳнат қилаётди.

ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИ ОММАГА

Ҳозир олимлар колхоз ва совхозларнинг дала шийпонларида, республика саноат корхоналарининг цехларида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Бу лекция ва суҳбатлар фан муваффақиятларини кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга жорий этишга, моддий техника базасини мустақамлашга бағишланмоқда.

Андижон, Наманган, Хоразм ва бошқа областларга КПСС Марказий Комитети 1970 йил июль Пленуми қарорларини пропаганда қилиш ва тушунириш учун Ўзбекистон насаба союзулари совети лекторлар группасининг аъзолари жўнаб кетишди.

(ЎзТАГ).

ДАШТНИНГ «БАХМАЛ» ЙЎЛЛАРИ

ҚАРШИ. Қарши—Ўзур темирйўл участкаси реконструкция қилиб бўлиди. Худойберди Чориев бошчилигидаги дистанция колоннасининг йўллари бутун участка давомида оdatдаги ўн икки метрлик изларни оғир, 25 метрлик излар билан алмаштирилди. Энди оғир юкли поездлар бемалол қатнаши мумкин.

Муборакдан Қаршига бориладиган йўл ҳам тубдан реконструкция қилинмоқда. Бу ердаги излар темир-бетон шпалларга ўрнаштирилган 800 метрлик излар билан алмаштирилмоқда. Бундай «бахмал» йўлда поездларнинг ҳаракат тезлиги соатига юз километргача бора олади.

Қарши дашти ўзлаштирилаётган зонага юк ташини қўйлаётганлиги муносабати билан янгиланган трассадаги станциялар кенгайтирилмоқда, поездларни ўтказиб юборишни кўпайтириш учун янги разъездлар очилмоқда. Янги қурилатган Нишон район маркази яқинида 151-разъезд ишга туширилди.


Қарши темирйўл узели анча кенгайтирилади. Бу ерда тўртта қўшимча из ётқизилди. Тез вақт ичида иккинчи тепловоз депосини қуришга киришилди. Қарши станцияси республика жанубидagi энг катта темирйўл узелига айланди.

(ЎзТАГ).



Юқоридаги суратда сиз кўриб турган ёшлар Қарши чўлини ўзлаштириш учун Иртиш—Қарағанда канал қурилишидан Қашқадарёга келишди. Еш коммунист Владимир Соронин ва унинг қайлиги Любовь Киньфатер уртонлар кудратли кўтарма кранларини бошқаришда. Пастдаги суратда эса Сурхондарё областининг Шеробод чўли бўйлаб Сурхон—Шеробод сув-қуруғини ўтказишда ғайрат кўрсатиб ишлаётган «Сельтрансспецстрой» трестига қарашли 46-кўлма механизациялашган колоннаси қурувчиларининг набатдаги қуруғини ётказиётган пайт акс эттирилган.

Н. Ключев, Р. Шияпов, В. Ем фотолари. (ЎзТАГ).



ИНСОН ВА ҚОНУН

УМУМХАЛҚ ИШИ

Ўзбекистон меҳнатқашлари жамият ва давлат олдидаги бурчларини ҳалол ва виждонан адо этмоқдалар. Шу тарихи се-викли Ватанимизнинг бойлигини кўпайтирмоқдалар. Судлов практикасини анализ қилиш шунинг кўрсатмоқдаки, жиноятлар ва жамиятга қарши ҳатти-ҳаракатлар сони йил сайин ка-майиб борапти. Лекин жамия-тимизда жамоат тартибни, со-циалистик жамиятда ишаш қоидаларини бузувчилар ҳали ҳам бор эканлигига сира тоқат қи-лиш мумкин эмас. Улар корхо-на, муассаса, ташкилотларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига катта зарар етказаятирлар. Гражданиларнинг оёқини тилиги ва дам олишга ҳақлиқ бер-моқдалар. Бу эса ана шундай қилмишларга қарши қатъий ку-раш олиб боришни талаб этади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президи-уми ва СССР Министрлар Со-ветининг 1966 йил июлда чиқар-ган қарориди далаат органлари ва жамоат ташкилотларининг энг муҳим вазифалари белги-лаб берилди.

Республика судлов органла-ри халқнинг ҳоқин-иродини ба-жара бориб, жиноятчиликка қарши курашни кучайтирдилар. (Шу жумладан, Тошкент шаҳри судлари ана шундай ишларни кенг жамоатчилик вакиллари-нинг иштирокида ўз сайер сес-сияларида кўрмоқдалар.

Масалан, шу йил 9 мартда Қамза район халқ суди гишт заводлари бошқармаси клубида 1952 йилда туғилган, «Ташпа-воппарат» заводида слесарь бўлиб ишловчи Александр Ульяновни айбаш юзасидан кўзголган жиноий ишни қараб чиқди. А. Ульянов гишт маҳ-ҳолда безорилиқ қилиб, Ф. И. Кравчинин жароҳатлаган. Шун-дан кейин эса завод бошқарма-си ҳовлисида гражд Л. Р. Галинага пичоқ уриб, уни оғир жароҳатлаштирган. Халқ суди Ульяновни беш йил озодликдан маҳрум этишга ва жақон қат-тиқ режимли колонияда ўташга ҳукм қилди.

Бу иш юзасидан бир қанча саволлар туғилди. Чунотки, заводида балогатга етмаган ўс-мирлар орасида қандай иш

олиб борилади, ходим маст ҳолда завод бошқармаси тер-риториясига қандай келиб қо-ли ва ниҳоят, асосий савол — Ульяновнинг бундай хатарили жиноят қилишга завод жамо-атчилиги нима учун бепарво қаради?

Бирок, шунинг алоҳида таъ-кидлаб ўтиш керакики, судлов органларининг иш жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилган шахсларни фақат келадиган сабабларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун бир мақсадни кўзловчи чора-лар кўриш алоҳида аҳамият насаб этади. Ленин, Куйбишев, Киров районлари ва бошқа районоларнинг халқ судьялари корхоналар, муассасалар, уй бошқармаларига, маҳалла ко-митетларига мунтазам бориб турадилар, сайловчилар билан учрашиб, уларни ҳақиқий аҳ-иол билан, жиноятчиликка қар-ши кураш ва унинг олдини олиш қандай ҳолдада эканлиги масалалари билан таништириб турадилар.

Тошкент ша

КИЧИК КИМЁ ЭРТАСИ

Хозир халқ хўжалиги тараққиётини химия сановатисиз тасаввур этиш қийин. Химия маҳсулотини қўлланганимиздан соҳа нам. Кимёвий маҳсулотлар, буюмлар, тоғаларга талаб ортмоқда. Кейинги йилларда машинасозликда пластмассадан фойдаланиш беш-олти марта кўпайди. Газламаларнинг учдан бир қисми химия толаси қўшиб тайёрланмоқда. Пардоз қорғолар қурилишда сеамли маҳсулот бўлиб қолди.

Республикада химия сановати яқингача асосан минерал ўғит, турли хил бўғқлар ишлаб чиқарар эди. Хозир унинг тармоғи

кўпайиб кетди. Утган йили Фарғонада ацетат ипати ишлаб чиқариладиган завод фойдаланишга топширилди. Навоий химия комбинатига цинкор толаси заводи ишга тушиб олди. Қорғона маҳсулотидан йилга 140 миллион метр газлама туқиш мумкин. Шунча маҳсулот ишлаб чиқариш учун юз миллион қўйнинг жуни сарфланган бўларди.

Кейинги беш йилда кимёвий химияни ривожлантиришга эътибор кўчади. Химиявий рўзгор буюмларига талаб ниҳоятда катта

бўлганидан сўнгги уч йилда тўртта корхонада 10-12 хил маҳсулот ишлаб чиқариш бўлга қўйилди. 1965 йилда фақат Чирчиқ элементрохимия комбинати ва Тошкент лакбўёқ заводига рўзгор буюмлари ишлаб чиқарган эди. Наманган химия заводида шар пехи ишга тушди. Шўрсув қониди май, деганган олтингургун полистилен халтачаларга қадоллаш, полистилен пленкадан дастурхон, халтачалар, парда ва буюмлар ишлаб чиқариш ташкил этилди.

Республикада кимёвий химия сановатини ривожлантириш суръати анча тез бўлишга қара-

май ҳали у меҳнатшароитининг эҳтиёжларига яраша маҳсулот ишлаб чиқаришга дейиш қийин. Ўзбекистон химиявий рўзгор буюмлари ишлаб чиқариш бўйича иттифоқида охирги ўринларда берилади. 1967 йилда киши бо-шига ишлаб чиқарилган маҳсулот 32 тиынлик бўлди. Бу йил янми маънавий химия маҳсулотлари 23,5 миллион сўмлик бўлди. Бу кимёвий рўзгор буюмлари ишлаб чиқариш беш йиллик давомида бир неча баравар ортганини, чиқариладиган маҳсулотларнинг тур-ли даражада яқин марта кўпайишини кўрсатади, 15 та яқин

корхона ўрта ҳисобда бир миллион сўмликдан маҳсулот ишлаб чиқаришни режалашган.

Агар химия корхоналари қури-лишида планга қатъий амал қилинганда юзларча янги корхона-ларда ишлаб чиқариладиган маҳсу-лотларнинг кўпайишига эришиш мумкин. Ўзбекистонда иш-лаб чиқариладиган маҳсулотларнинг кўпайишига эришиш мумкин. Ўзбекистонда иш-лаб чиқариладиган маҳсулотларнинг кўпайишига эришиш мумкин.

чора-тадбирлар белгиланганда унинг бу йил ишга тушириш амри маҳол.

Химия корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилмапти. Натижада корхоналарнинг даражаси ҳам нам бўлди. Ҳолбуки, баъзи рўзгор буюмлари мамлакатимизнинг бошқа узоқ қишлоқларида келтириб сотилиш-ти. Ундан ташқари маънавий химия корхоналарини янги техника билан таъминлаш ҳам яхшилан- керак. Деярли 80-90 процент иш қўлга бажаришда.

Ана шу намуналиклар барҳам топса маънавий химия сановатини янада ривожлантиришга кенг йўл очилган бўларди.

И. МУСАБОВ,

Ўзбекистон ССР Давлат план комитети химия сановати бўлимининг катта инженери.



Чорвачилик — Гурлан райони хўжаликларининг асосий тармоқларидан бири. Район хўжаликларидан Ҳазратхон, Компартияси Марказий Комитети XV Пленумининг «Республикада чорвачиликни янада ривожлантириш тadbирлари» тўғрисидаги қарорини амалга оширишда баъзи ишлар қилинди.

Уч муҳим тадбирнинг амалга оширилганини алоҳида қайд қилиш ўринлидир. Биринчидан, беда майдонлари янги ер ўзлаштириш ҳисобига анча кенгайтирилди. Иккинчидан, чорва молларнинг зотини яхшилашда дастлаб қадим қўйилди. Учинчидан, паррандачилик ва баллиқчиликни эътибор кучай-тирилди. Масалан, Ленин номи колхозда инкубатория ишга ту-ширилди. «Правда» колхозда эса баллиқ ўстириладиган ҳову-лар барпо қилинди.

Чорвачиликни рентабелли тармоққа айлантириб, бу соҳадан фойда кўраётган илгор хўжаликларининг таърибаси ибрат бўла олади. «Коммуна» колхо-зи ўтган йили чорвачиликдан 7560 сўм соф фойда олди. Ўт-ган ойларида қўрилган фойда янада кўпайди. Бу колхозда чорва моллар туғи кўпайиб, маҳсулдорлиги ошиб бораётди.

Аммо, умуман олганда, рай-он хўжаликларидан чорвачилик-нинг аҳоли мутлақо қониқар-сиз. Мавжуд 15 колхоз ва киши совхоздан атиги икки колхозда чорвачиликнинг рентабеллиги таъминланган. Бошқа хўжалик-ларда бу тармоқдан зарар кўри-лмоқда. Ўтган йили 150 минг сўмдан ортиқ, шу йилнинг ўт-ган ойларида ҳам анчагина за-рар кўрилди.

Бунинг сабаби равшан. Чор-вачиликнинг ҳаракати катта бўлиб, оз маҳсулот олинаяпти. Гўшт, сўт, тухум ва бошқа маҳсулотлар еттиштириш пла-ларини сурунасиға, бажарила-ланти, таннарх қимматга туш-моқда. Масалан, бу йил 3678 тонна сўт еттиштирилди қўзда

ВАЪДАБОЗЛИК ВА МУРОСАСОЗЛИК

тутилган қолла, ўтган ойларида бу соҳадан фойда берил-ди. Ҳар центнер сўтининг та-нарихи 14 сўм 69 тиын ўрнига 23 сўмдан тушди. Гўшт етиш-тириш салмоғи ҳам оз, таннар-хи қиммат.

Полада ситгарлар сови на-ма-ий кетди. Пиларида белгилан-ган 4310 бош ўрнига 3965 бош си-гар бор. Бултур 1909 бош си-гар кесир қолди, ҳар юз си-гардан 60 талаф бўзоқ олинди. Бу йил ҳам аҳоли шундай ати-нарлигига қолмоқда.

Етти ҳазинанинг бири бўлган паррандачилик эътибор бе-рилмапти. Пиларида 21 мингга ўрнига 14,5 мингга етар-етмас товуқ бор. Ўтган ойларида ҳар товуқдан қўзда тутилган анча кам тухум олинди. Район-да чўчачиликни ривожланти-риш масаласи эътибордан чет-да қолаётди.

Айрим хўжаликларда чорва-чилиқнинг аҳоли ниҳоят дара-жада ёмон. «Маданият» кол-хозда маҳсулот еттиштириш на-ма-ий кетмоқда. Гўшт, сўт еттиштириш планлари бажари-лмапти. Қорамол гўштининг ҳар центрининг еттиштиришга пла-ндаги 135 сўм ўрнига 192 сўм, ҳар центнер сўт еттиштиришга 15 сўм 50 тиын ўрнига 22 сўм 71 тиын сарф қилинди. «Ҳар минг дона тухумнинг та-на-рихи 75 сўм ўрнига 223 сўм 53 тиынни ташкил этди. Кол-хоз раиси С. Ўтамуродов, фер-ма мудири К. Хидиров ўртоқ-лар қоронгликка қўқиб, масъ-

улиятсизлик қилаётди. 37 гектар майдондаги беда ҳосили қуриб қолганлиги, янги экилган бедапожалар, маканжўхори ва бошқа хашаки экиллар парва-ришсиз қолдирилганлиги беар-волик оқибатидир. Колхозда мол озуқаси жамғариш, сўт-товар фермасини механизациялаш

савол бериш ўринли: соғиш аг-регати «Хўжа қўрсинга» ўрна-тилганми? «Правда» колхозда ҳам соғиш агрегати савлат тў-либ турибди. Фермаларда похол қирқиб машиналари, автопоил-калар ва бошқа механизмлар ишга солилмаганлигини кўрдик.

Чорвачилик фермалари му-тахассис кадрлар билан му-тахассис қилинган. 34 ферма му-диридан 8 киши малакали му-тахассис, холос. 12 колхозда раёвнинг раёсининг чорвачи-лик бўйича ўринбосари лавози-ми жорий қилинган, шулардан фақат уч киши малакали. Ма-салан, «Маданият» колхози фермасида 42 киши ишлайди, улар орасида битта ҳам мута-хассис йўқ.

Чорвачиликнинг ем-хашак ба-засини мустаҳкамлаш ҳақида гап кўп, амалий иш эса кам. Биринчи ўринда йиғиб олинган бедадан мустақило қилганда, ха-шак жамғаришга қизғин қири-шади. Қизилқар йилда пичан тайёрлашга етарли қуч-ва техника асвоқланимапти. Бе-да маканжўхори ва бошқа экил-ларга авваллаб қамқо-силли, шўртупроқ ерлар акра-тилган, қолаверса, бу экиллар парвариши ўзбўларчил и к а ташланган. Қовчиқаб қуриб бошлаган, қанқатилган бедапо-жалар, ишлов кўрмаган маканж-хори ўсимликларида юқори ҳосил олиб бўлармиди!

Фермаларда тозаллик ва ги-гиенага риоя қилинмапти. ве-теринария-профилактика иш-лари ўз вақтида ўтказилмапти.

Район қишлоқ хўжалик бош-қармасининг чорвачилик раҳ-барлиги ҳар хил тошпириқлар бериш ва маълумотлар йиғиш-дан иборат бўлиб қолмоқда. Бошқарма бошлиғи П. Қўчқо-ров чорва билан шуғулланиш-ни ўз ўринбосари З. Камоловга тошириб қўйди. Аслида бош-лиқ ҳам, ўринбосар ҳам амалий ишдан кўра кўпроқ қорғозбо-злик, мажлисбозлик билан маш-ғул бўлмоқдалар.

Тўғри, район икжориа комите-ти чорвачилик билан бевосита шуғулланмапти. Бу мас

ЯНГИЕР ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

ЧЕТ ЭЛЛИК
ДЎСТЛАРИМИЗ
ЎЗБЕКИСТОН
ТЎҒРИСИДА

Германия Демократик Республикасида чиқадиган «Фрайе вельт» («Озод дунё») журнали ўз мухбири Хорст Гольдшмидтнинг Ўзбекистон ҳақидаги мақоласини эълон қилди. Фотомухбир Герберт Фибиг суратлари билан безилган чиққан бу мақолага журналдан 8 саҳифа ўрин берилган. Қуйида шу мақолани қисқарган ҳолда эътиборингизга ҳавола қилаётимиз.

Мирзачўли Бургут ва тошбақа, илон ва калтакаскалар макони бўлган ер, янгиликлар мардани ва лаватчилик тайрат ва матонат макони, чўқуларлар ўлкаси деган номин олди. «Фарен вилр Кетлин» Бизнинг биринчи манзилми 17-сентябр.

Хар бир лаҳза ғайимат, Шундай бўлса ҳам директор Қинабел Укубова биздан сўхбат учун вақтинан аялади. Аввалдан тайёраб қўйган саволларимиз бош эди. «Солхоз ташкил бўлганига неча йил бўлди?» — «Етти йил». «Меҳнатга лавнатли қанча одам бор?» — «1200». «Техниканинг аҳоли қандай?» — «Азало даражада Бизда 137 тахта қомбайни бўлиб, бунидан 60 таси ерга тўқиб қолган пахтадан териб олувчи махсус машина. Бунга қўшимча: 250 транспортимиз, «Беларус» типидagi 75 транспорт тракторимиз, 75 юк машина ва 2 енгил машиналаримиз».

Соҳанинг даромади қанча? — «Эътибор солиштириб кўринг: биринчи йили 4000 гектар майдондан 1800 тонна ҳосил йиғиб олди. Бу йил 6200 гектар майдондан оладиган ҳосилимиз 12000 тоннага яқинлашди қилади. Бу, 1962 йилга нисбатан гектаридан 5 центнердан ортиқ демакдир... Ҳосилдорларнинг 25 центнердан ошганига астойдил бел боғлаганимиз».

Социалист Мехнат Қажрамоний ўртоқ Қинабел Укубова аввал сотишга, сўнг бизга қаради ва ҳосил учун кураш шайбига чангирини айтиб, кечирин сўради. Биз чин қалбдан хайрашдик. Даволатда ҳосилга қараб кўз қувонди. Ўзбек пахтасини Совет Иттифоқининг 60 процент эканлигини қолдирибгина қолмай, қимматбаҳо экспорт ашёсини ҳамдир. Уни экспорт қи-

нишгирди ва бу янгилик сабабини тушунтирди: унинг ўғли, эртага ступасини татомлаб яна ўз қисмига қайтиб кетар экан. Ҳа, у сўзидан Ҳазир у айбонда малла-сир бир рус қизи билан рағсга тушмоқда. Бу ерда яна бошқа ешлар ҳам, катталар ҳам бор. Улар бир оила. Ҳамма бир-бирига таниш. Столда қовун-тарвуз, узум, пиширлар товуқ гушти... Алланим: «Келинлар кўшиқ айтгани» деб қолди. Сўнг биз кўшиқ айтдик. Ёдин, ичдик. Ўстанимиз шарафига, оғаларга соҳиласига иттифоқимиза шарафига ва ҳаммамизга бирдай қимматли бўлган бошқа ёшлар шарафига қалаҳ кўтардик.

Эртасига Ганс Шмидт ўз идорасида меҳнат қолхонинг 1200 гектар майдонига экин экилишни, шу майдоннинг деярли 60 процентини пахта эгалигини таъини берди. Уларнинг қолхон обаласта яхши қолхонлардан ҳисобланаркан. Булардан боғчасида мен ота-оналар ўз болалари учун очта ҳафталиклар, деб сўрадим. «Вир тийин ҳам тўлашмайди» — деб жавоб берди Ганс Шмидт. «Ҳамма қаражатларини, шу билан бирга боғчадан врачга иш ҳақи тўлашни ҳам қолхоз ўз устига олган».

Дарҳақиқат, намбагал қолхоз шундай қила олганлар бўлар эди. У 1950 йили ташкил этилган. «Биз иш бошлаганимизда бу ерда ўз-ўзидан бошқа ҳеч нима йўқ эди» — деб нарсидан нимадан бўлиб қила олганларини раис айтиб ўтирди. Бунга биз ўз кўзимиз билан кўриб турардик: чиройли полевика, қосилар далавлар, ҳамма-ёқ нарсаси, ҳамма ерда суя йилдираб оқмоқда. Қилишларнинг чеҳрасида доимо мамнуний. «Биздан берилганларга салом», — деб Ганс Шмидт биз билан хайрлашди.

«Фарен вилр Кетлин» Бизнинг эътибори манзилимиз — Жиззахдаги «Москва» қолхоз. Мирзачўлининг жануби-ғарбий томонида Жиззах шаҳри жойлашган. Эримиздан илгари қурилган ва бир вақтлар қураётган хонининг қароргоҳи бўлган бу шаҳарда ҳозир 40 миң киши яшайди. Шаҳар Совети олдидан майдон,

Шу майдонда 1916 йил ёзда қўз-қолхонларнинг яқин босқинларини оғиш учун доллар қурилган эди. Улар сира унутилмайдилар. 14 йилдан сўнг ҳалқ орадан амал-га ошди. Жиззахда биринчи қолхоз тузилди. У Советлар мамла-кати пойтахтининг номига қўйилди. Ҳозир «Москва» қолхозини энг биринчи ташкил топган қолхозлардангина бўлиб қолмай, бунинг устиде районда энг катта ва энг бой қолхоз ҳамдир. У 1956 йилдан бошлаб миллионер. Масалан, 1958 йилдаги даромади 3.5 миллион сўмни ташкил қилган. Шу, иш айтиш керакин, 1930 йилда, қолхозга бирлашганда деҳқонларда оғиш, кетмош, бир нечтагина қўшиқ га от бўлган. 1935 йилда улар ўзларининг биринчи трай-торларини олдириб, Бу — ўша вақтда жуда ғаройиб машина эди.

Ҳамроқул Носиров, деярли чорак асрдан бери қолхозга раислик қилади. У Социалистик Меҳнат Қажрамони, 10 фарзанднинг отаси ва 17 набиранинг бобоси. Носиров раислигининг иккинчи йилида қолхоз давлат планини бақарди ва ҳозирги кунгача ба-жариб келмоқда. Носиров 1904 йилда Жиззахда туғилган. Ёши жин-хатдан алақандон пенсияда бўлиши керак. Бироқ «Қачон сизга иш оғирлик қилса, шунда айтинг. Унгача раислик қилиб туринг», — деб ундан илтимос қилишди. Биз бу ҳақда тўғри келган қолхоз аъзосидан сўраганимизда қуйи-даги жавобларини олди: «Яхши ишчесиди, у яхши ташкилотчи, у жуда дилнаш одам. Бунинг нимадан билса бўлади, деган саволга: у — курашчи, деб жавоб беришди. У ҳар бир, масалан тўғри ва ўз ўрнида қилади. Бу борада у қуйидаги ширларга амал қила-ди: Ҳар бир киши янги уйда яшасин, ҳар бир қолхон чаро-ғон, галаштинларини, суя билан таъминланган бўлсин учун улар-га асфальт ётқириш зарур. Кези келганда айтиш керакин, қолхоз ўн битта кўчани асфальтлаш шун кўча ён томонларидан уйлари билан бирга қуриб қолмоқда. Бу уйланинг ҳар бирида телевизор, ҳолодильник ва бир ювчи маши-

наси бор. 3000 қолхоз аъзоси учун бу жуда ариғулик шунда! Бунинг устига уларнинг 3500 дан ортиқ фарзандлари борагинин ҳисобга олсинг. Қолхоз улар учун ўз кўчи ва маблағлари ҳисобига 8 та катта мактаб қуриб берди.

Бу бойликларнинг боси 9000 гектар ерҳосини ердир. Бунинг 2500 гектариде пахта етиштири-лади. Революциядан аввал бу ер-ларнинг фақат 500 гектаригина экинга яроқли эди. Ҳозир эса 15000 гектардан ортиғи экинга яроқлидир. 4000 гектар ерга бў-дун экинган, яйловда 6000 дан ортиқ қорғош қўйилари боқилди. 50 гектар майдонда тузтор таш-кил қилинган. Тут бари илал қуртлари учун энг муҳим озуқа ҳисобланади.

Май ойида қолхоз ипан қурт-ларининг туҳфасини — 20 тонна пиллани давлатга топширди. Ҳа-биёригача Совет Иттифоқиде ети-штирилган хом ашё — ипаннинг ярмидан кўпини етказиб, берди. Қолхоз аъзосиде неча сўм маош олади? Биз бу саволни бир пахта бригадасида ишловчи эр-хотин қолхозчидан сўрадик. Ас-рор Ёргалев ва унинг хотини Лола ойнага ўртача 200 сўм олар эканлар. Бундан ташқари улар ҳосил йиғиб олишадиган сўнг 4 центнер туруч, 2 тонна будой олади. Томоғида боғлариде янор, ўрик, узум ва олма ҳил-ҳил пишиб ётибди. Картошка ва саб-завотлар ҳам оқилган. Қўрадаги ситир аса сут ва ўшт етказиб берувчи ишончи манба.

Ўзбекиларнинг жуда ҳам меҳ-мондуст ҳалқ эканлиги оламга машҳур. Бироқ «Москва» қолхоз-и меҳмонхонасига ағалиқ қў-чиликка маълум эмас. Озода қолхоз меҳмонхонаси олдиде кат-такан гулзор, чамандек очилган гуллар ўртасиде оппоқ ҳайнал-Ленининг чеҳраси қорлаб ту-рибди.

Йўлда келатганимизда атроф қоронғиланган бўлади. Осмонда юлдуз кўринмайди, бироқ кел-гери ағаллаб ётган Янгиер чи-роқлари бизни узондан саломлаб кўтиб олмақда. Янгиер яқинидан Жанубий Мирзачўл қанади ўтади.

Хорст ГОЛЬДШМИДТ,
ГДР журналисти.

ТЕАТР

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ. 18.25 — Программа.
Рус тилида: 18.30 — Янгиликлар,
18.45 — Фильм-концерт, 19.50 —
«Кислетиюна ва планшетиюна»,
Ўзбек тилида: 20.25 — Янгилик-
лар, 20.40 — Концерт, 21.40 —
«Политотдед» қолхонда бир кун,
22.00 — Янгиликлар, 22.03 —
Ҳайридин Салоҳ иккуний портре-
ти.

</